Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 22 июль чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 145 (1926)

## ҚАШҚАДАРЁ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ




Мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Қашқадарё вилояти деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртма-режасини бажардилар. Қабул пунктларига 317 минг тонна дон етказиб берилди.

Чироқчи, Касби, Косон, Шаҳрисабз туманлари ғаллакорлари ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бир қанча хўжаликларнинг уста деҳқонлари гектар бошига 40-45 центнердан хирмон кўтаришга эришдилар.

Вилоят ғаллакорлари яна 10 минг тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

**А. ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясида ҳудудий назорат инспекцияларининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев бошқарди. Йиғилишда ҳудудий назорат инспекцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари бажарилишининг назоратини таъминлаш бўйича шу йил биринчи ярмида амалга оширилган ишлари муҳокама этилди.

Йиғилишда мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатлари механизмларини рўёбга чиқариш, корхоналарни акциялаштиришни тезлаштириш, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, бошоқли дон ҳосилини йиғиштириб олиш масалалари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Жойларда ўтказилган синовлар натижасида ўз афзаллигини кўрсатган пайчилик, оилавий пудрат ва қишлоқ хўжалиги ширкатларида тўпланган ибратли тажрибаларни кенг жорий қилиш, ислоҳот йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш ҳамда иқтисодий соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокамада қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда республика вазирликлари, идоралари ва уларнинг тизимларида ўзаро ҳисоб-китоб ишлари, тўлов интизомига риоя қилиниши бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА)**

## ШАКАР МЎЛ БЎЛАДИ





*Хоразмда йирик иншоот — қанд лавлагини қайта ишлаш фабрикаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Туркиянинг «ЮКСАЛ» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилаётган ушбу фабрика Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган.*

*Бир кеча-кундузда 3 минг тоннадан ортиқ қанд лавлагини қайта ишлашга мўлжалланган ушбу фабрика қурилишида туркиялик ва ўзбекистонлик мутахассислар елкама-елка меҳнат қилмоқдалар. Фабрика ишга тушгач, четдан шакар келтиришга ҳожат қолмайди. Тўғри-да, ўзингда бўлганига нима етсин.*

СУРАТЛАРДА: «Хоразмшакар» фабрикасининг ишчиси Улуғбек Отахонов; фабриканинг ички кўриниши.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ТУҲФА
## ҚИШЛОҚЛАР ЖАМОЛ ОЧМОҚДА

**Қорақалпоғистон Республикасида мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойлардан юбилей иншоотлари қуриб битказилаётгани тўғрисида хабарлар келмоқда. Жумладан, Тўрткўл туманидаги Ш.Рашидов номли деҳқон-фермер уюшмасида, "Намуна" жамоа хўжалигида, Амударё туманидаги "Тўлқин" жамоа хўжалигида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари очилди. Амударё туманидаги "Оқ олтин" жамоа хўжалигида эса 420 ўринли мактаб қуриб битказилди.**

**Юбилей иншоотларининг фойдаланишга топширилиши маросимларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камолов қатнашди.**

**ЎзА**

## ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ



*Қурбон Амирқулов 1939 йилда туғилган.*

*Касби — муҳандис-механик. Музрабоддаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси бошлиғи. Олий Мажлис депутати.*

*«Борлиқнинг мувозанати — меҳнат». Бу унинг яхши кўрган гапи.*

*Ёмон кўрган нарсаси — ёлғон. Армони — кўрган билганларини китоб қилиб ёзишга вақт тополмагани.*

*«Ердан оёғи узилдими, масалан, самолётга ёки машинага чиқдими — одам чарчай бошлайди. Малҳамимиз, масканимиз, борадиган жойимиз шу замин, шу Ватан. Уни сенга ёмон қилиб кўрсатувчиларнинг даъватига чалғиб кетма. Маҳкам бўл». Буям унинг яхши кўрган гапларидан бири.*

### УМИДЛАРИНГ ШУ ТУПРОҚҚА ТОМИР ОТСИН

Амирқулов «Нексия»дан тушди. Машинанинг эшигини ёпиб қўйишга ҳам эринди. Оғир юриб, сояли жойга келди. Топ-тоза қилиб супурилган, салқингина бўлиб турган асфальтли ерга ўтирди. Дон омборхонасининг ғиштин деворига елкалари билан суянди. Чарчаган одамга хос ҳаловат билан оёқларини олдинга чўзиб, кўзларини юмганча ҳордиқ ола бошлади.

Эрталаб. Бироқ саратон эмасми, қуёш борлиқни қизита бошлаган эди. Лекин Амирқуловнинг чарчагани бундан эмас. У иссиқдан қўрқмайди. Ёзда ҳам қалин костюм кияди. Шу билан ҳам терламайди. Терлашни, ҳатто ҳавас қилади. «Баданимда туз кўп, — дейди у кулиб, — терламаслигим шундан. Табиатимнинг тахирроқ экани ҳам, эҳтимол, шундандир».

Эрталабдан чарчаб тургани — кечаси ухламаганидан эди: тунги соат иккида бир узоқ жойга — Раҳим Бўриев номли хўжаликка борди. У ердаги хирмондан дон ортишни ташкил қилди. Лабораторияни ишга туширди. Кутилмаганда дон юклагич машина ўчиб қолса бўладими! «Пўмпа»си ишдан чиққан экан, ечиб олиб, бошқасини ўрнатдилар. Аммо машина яна ўт олмади.

— Ҳой, сенлар «пўмпа»нинг ичига ёнилғи қуйганмисизлар ўзи? — деб сўради Қурбон ака.

— Йў-ўқ...

— Унда «пўмпа» ҳаво тортиб ётибди-да, ўт олармиди?! Ҳей, гала афанди... Амирқуловнинг айтганини қилувдилар, мотор гуриллаб кетди.

... Қурбон ака ухлаб қолмайин дедими, оёқларини йиғиштириб олди. Яна деворга суяниб, чордона қуриб ўтирди. Кейин «ҳой, Эшбой, бери кел» дея дарвозахонада ўтирган кишини имлади. Эшбой келгач, унга «Бор, зардолининг балхисидан узиб кел. Ергинага ёнбошлаб бир зардолихўрлик қилайлик. Эрталаб чой ичганим йўқ», — деди.

Қурбон акани шу ерда, шу ҳолатда учратдим.

— Бундан 14 йил аввал, саксон тўртинчи йили бу ерга директор бўлиб келганман, — деб гап бошлади у. — «Заготзерно» дейиларди. Қарасам, ҳув анави темир йўлдан келадиган йўлга чалама-чатти шағал тўшалган. «Заготзерно» ҳовлисига ўралган симтўрларнинг устунлари қийшайиб ётибди. Омборларни каламуш ўйиб ташлаган. Ташиб келинган ғалла очиқ ҳавога туширилади... Ҳаммасини тузатишга, ишни бошқатдан бошлашга тўғри келади.

(Давоми 2-бетда)

## МАДАД КАРВОНЛАРИ

**«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ШОҲИМАРДОН ҚИШЛОҒИДАГИ МУХБИРЛАР ҚЎНАЛҒАСИ ХАБАР БЕРАДИ:**

Шоҳимардонга инсонпарварлик ёрдами, хайрия эҳсон юклари ортилган карвонлар кетма-кет келиб турибди. Бу борада Тошкент вилоятидаги 5 та шаҳар, 12 та туман меҳнаткашлари, ташкилотлари кўрсатган мурувват, фарғоналикларнинг, шоҳимардонликларнинг ёдидан асло чиқмайди. 120 га яқин автомашина карвони Камчиқ довонларидан ошиб ўтиб Шоҳимардонга кириб келди. Бу машиналарга азият чекканларга биринчи навбатда зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар, қурилиш материаллари ортилган эди.

— Тошкентликларнинг ёрдами жуда ўз вақтида етиб келди, — дейди Фарғона туман ҳокими Ҳамиджон Йўлдошев. — Шоҳимардон марказидаги 8 та хонадонни сув бутунлай ювиб кетган эди. Қурилиш материалларини шу хонадонлар уй-жойини тиклашга ишлатаяпмиз. Уй-жойларни эса Чирчиқдан келган ҳарбий ҳашарчилар қуриб беришяпти. Халқимиз бехудага «Дўст кулфатда билинади» деб айтмайди, дўстлари, елкадошлари бор элнинг боши осмон бўлишини яна бир карра дил-дилда ҳис қиляпмиз.

Вилоят ҳокимлигидан хабар беришларича, кеча Фарғона станциясига 120 тонна гуруч ортган 2 та вагон кириб келди. Бу танқис маҳсулотларни қорақалпоғистонлик шоликорлар табиий офатдан зарар кўрган шоҳимардонликларга эҳсон сифатида жўнатишган. Бу эҳсонлар дарҳол офатдан зарар кўрган оилаларга тарқатилди. Бундан сал илгарироқ Қарши шаҳридаги «Ёғ-экстрацияси» заводи 300 минг сўмлик маҳсулот жўнатган эди.

Юртбошимиз Шоҳимардонда бўлган чоғида одамлар ҳақида ғамхўрлик асосий вазифа, муқаддас бурч бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Вилоят ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ходимлари қурбон бўлган оилаларда деярли ҳар куни бўлиб, уларга сабр-тоқат тилаш билан бирга маросимларни ўтказишда моддий ёрдам беришни ҳам унутишаётгани йўқ. Шахсан юртбошимизнинг кўрсатмаларига биноан марҳумларнинг оиласига дастлабки маросимларини ўтказиш учун 30 минг сўмдан пул тарқатилди. «Агросуғурта», «Кафолатсуғурта» компаниялари, вилоят Меҳнат бандлик бошқармаси томонидан ҳам 10 минг сўмдан маблағ ажратилди.

Қизил ярим ой ва Қизил Хоч жамиятлари дастлабки куни 750 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатишган бўлса, энди улар бундай ёрдамларни мунтазам давом эттириш, Шоҳимардон доимо эътиборда бўлишини билдирдилар.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳ. АБДУРАҲМОН,**
**вилоят телерадиокомпанияси бош муҳаррири,**
**мухбирлар қўналғаси аъзоси.**

## ЮРТИМИЗНИНГ БИР КУНИ



### ИШБИЛАРМОН — ШОҲИМАРДОНЛИКЛАРГА

Олтиариқлик ишбилармонлар — олти ака-ука Мирзажоновлар Шоҳимардонликлар бошига тушган мусибатга республикамизнинг фидойи фуқаролари сингари бефарқ қараб туришмади. Улар ўзларига тегишли «Мерседес Бенц» юк автомашиналарида 400 минг сўмлик озиқ-овқат, кўрпа-тўшак, дори-дармон келтиришди. Бундан ташқари, битта кран ва МАЗ машиналарини шоҳимардонликларга ёрдамга қолдиришди.

### КИМЁГАРЛАР ГИЛАМ ТЎҚИШАЯПТИ

«Навоийазот» корхонаси мутахассислари гилам тўқишни ҳам йўлга қўйишди. Ускуналар Хивадан келтирилди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати хоразмликларникидан қолишмайди.

### ХОРИЖДАН КЕЛТИРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Тошкентдаги ОНКС (собиқ Миконд) ҳиссадорлик жамияти цехлари конвейерларидан газ ҳисоблагичлари чиқа бошлади Бу воқеа айниқса, газчиларни беҳад қувонтирди. Улар хонадонларда фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоблар анча осонлашади дейишаяпти. Шу пайтгача бундай механизмлар хориждан келтириларди. Нархи юқори бўлганлиги учун аҳолининг бир қисми уни сотиб олишга қодир эмасди. ОНКС ҳисоблагичлари ихчам, арзон. Уларни келгуси ойдан бошлаб савдога чиқариш мўлжаллаяпти.

### ГУЛИСТОНЛИКЛАР СИМСИЗ ГАПЛАШИШАДИ

Гулистон шаҳрида «Коском» Ўзбекистон — АҚШ уяли алоқа қўшма корхонасининг янги тармоғи ишлай бошлади. «Коском» сўзлашув аппаратларини олган мижозлар бирор жойга ёки танишларига сим қоқиш учун навбат кутиш, коммутатордан улаб беришни сўраб илтимос қилиш ташвишидан халос бўлдилар. Қўшма корхона мутахассислари яна 9 та вилоятда ана шундай алоқа тармоғини йўлга қўйишни режалаштиришган.

### НУКУС-УЧҚУДУҚ БИЛАН ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ БОҒЛАНАДИ

Темир йўлларни мамлакатнинг қон томири дейишади. Дарҳақиқат, шундай. Ҳозирда арзон ва қулай, йўловчиларни манзилларига вақтида бекамикўст етказиб қўювчи транспорт ҳам шу-да. Яқинда Нукус-Учқудуқ шаҳарларини боғловчи темир йўл қурилиши бошланди.

У битиб, ишга тушса, ҳар иккала воҳа аҳолисининг узоғи яқин бўлади. Айниқса, халқ хўжалиги юкларининг бетўхтов ўз манзилига етиб бориши таъминланади.

**(Ўз мухбирларимиз).**

## Қарор ва ижро
# БОЗОР БАРАКАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, Шарқда бозорлар азалдан мўл-кўлчилик, фаровонлик манбаи ҳисобланган. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда бозорлар ишини яхшилашга алоҳида эътибор берила бошланди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримов соҳа юксалиши учун раҳнамолик қилаётгани айни муддао бўляпти. Юртбошимиз ўтган йили Қорақалпоғистонга сафари чоғида даставвал Нукус бозорлари фаолиятига диққат-эътиборни қаратганди. Ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда салкам 300 минг аҳоли истиқомат қиладиган Оролбўйидаги энг йирик шаҳардаги марказий бозор ва унинг еттита бўлимининг иши талаб даражасида эмас эди.

Айниқса, ноқонуний савдо қилувчилар билан қатъий курашиш, хўжаликлар ва якка тартибдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиш, пештахталарни маҳсулотга тўлдириш, тушумнинг тақсимотини назорат қилиш, ободонлаштириш ишларини изчил олиб бориш каби зарур ишлар фақат хўжакўрсинга амалга ошириларди. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва Нукус шаҳри ҳокимлиги қисқа муддатда ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқди. Вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари, санитария-эпидемиология хизмати фаолияти яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Ўтган бир йилда Нукус марказий бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Биринчи навбатда мавжуд 1 минг 400 савдо ўрни ҳақиқий эгаларига топширилди. Еттита кичик бозордаги аҳвол ҳам қаттиқ назоратга олинди. Темир йўл бекати олдида замонавий талабларга жавоб берадиган "Дўстлик" бозори қуриб битказилди. Марказий бозорда 200 ўринли раста фойдаланишга топширилди.

Нукус шаҳри географик қулай ерда жойлашган. Бу ерга қўшни вилоятлар ва туманлардан қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари, бошқа халқ истеъмоли молларини келтириб, аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаш имкони бор. Сотувчилар учун ҳам зарур шароит яратилган. Улар савдо ўринлари билан таъминланган. Маҳсулотларни сақлаш ва қўриқлаш йўлга қўйилган. Меҳмонларга 30 ўринли "Деҳқон уйи", ошхона, иккита омборхона ва ўнлаб маиший хизмат шоҳобчалари хизмат кўрсатмоқда. Хуллас, пештахталар доимо маҳсулот билан мўл-кўл бўлишини таъминлашга эришилди. Бунда аҳоли ва фермер хўжаликлари билан "фьючерс" шартномаларини тузиш, унинг ижросини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Жорий йилда деҳқонлар билан 30 турдаги 2,8 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотини бозорга етказиб бериш юзасидан шартнома тузилди. Биринчи ярим йилликда 1,5 минг тонна маҳсулот сотилди. Энг муҳими, деҳқонлар маҳсулотини ўзлари сотаётир. Марказий бозор ва унинг бўлимларидан тушаётган даромадлар ҳам доимо назоратда.

Нукус бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганига эндигина уч йил бўлаяпти. Унинг устав фонди 40 миллион сўмни ташкил этади. Мавжуд 6374 та акциянинг ҳар бирига ўтган йили 410 сўмдан дивиденд берилди.

Марказий бозор фаолиятида ижобий ўзгаришлар билан бирга, салбий кўринишлар ҳам юз бераяпти. Энг ачинарлиси, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ғайриқонуний сотиш камаймаётир. Бу ҳолга барҳам бериш керак бўлган ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари ходимлари, тўғрисини айтиш лозимки, ўз ишларига виждонан ёндошмаяпти. Марказий бозор масъул ходими Б. Жўламонов билан бирга бозор расталарини кўздан кечириб ажабтовур воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Бозордаги милиция таянч пунктининг эшиги олдидаги растада ҳар хил тамаки ва қўлболаароқлар савдоси бемалол давом этаяпти. Бундай ҳолга барҳам бериши лозим бўлган милиция старшинаси Б. Хўжабоев раҳбарлигидаги таянч пункти ходимларининг эса парвойи палак.

Бозор фаолиятини янада яхшилашга ер майдонининг торлиги ҳам маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Ҳар куни бир неча ўн минглаб харидор келадиган бозор атиги 2 гектардан сал кўпроқ майдонни эгаллаган. Чорвадорлар ўз маҳсулотини асосан бозор ташқарисида ёки яқин атрофдаги кўчаларда сотишга мажбур бўлмоқда. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш учун Нукус шаҳар ҳокимлигининг амалий кўмаги зарур.

Бозор — аҳоли турмуш тарзининг кўрсаткичларидан бири. Аҳоли фаровонлиги, тўкин-сочинлик бозорда ўз аксини топади. Шундай экан, Қорақалпоғистондаги энг йирик Нукус деҳқон бозори фаолиятини янада яхшилаш пайти аллақачон етди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ



# УМИДЛАРИНГ ШУ ТУПРОҚҚА ТОМИР ОТСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаммасидан ҳам техника масаласи чатоқ эди. «Заготзерно»нинг биттагина «Т-40» русумли трактори бор эди-да. Энди-чи? Йигирма беш минг тонна ғаллани хўжаликларнинг хирмонидан ўзимиз ташиб олаяпмиз. Сурхондарёда — бу янгилик. Бошқа туманларни кўринг. Хўжаликлар ғалласини ўзларининг «пат-пат» тракторлари билан тележкалаб дон тайёрлаш корхонасига ташиб ётибди. Тирқишларидан дон тўкилиб кетаётган бир тележкадаги донни тортиб кўрсангиз, икки тоннадан ошмайди.

Бизнинг мошинларнинг ҳаммаси — шаланда. Ҳаммаси — йигирма тонналик. Прицеп таққанлари бир қатнашнинг ўзида 25 тонна донни ташиб келади. Ёнилғи сарфи бўлса ўша «пат-пат» тракторникидан ортиқ эмас. Бошқаларнинг икки тонна, борингки, беш тонна ғаллани ташиб олишга қилган ҳаракати-ю ташвиши билан биз йигирма беш тонна ғалла ташияпмиз.

— Ана тежамкорлигу ана меҳнат унумдорлиги, — дейман бу ишни гўё ўзим уддалаётгандай, қувониб.

— Шу. Қолганини ўзингиз чўтга ташлаб, таҳлил қилиб олаверасиз, — дейди Қурбон ака деворга суяниб ўтириб олиб. — Ана, иккита кўтаргич мосламани қуриб қўйибмиз. Русчасига буни «ток» дейдими? Машина 100 тонналик бўлмайдими, уни кўтариб, донини тўкиб олади. Тўкилган дон қувурлардан тўғридан-тўғри омборга узатилади. Омбордан донни қайта ишлаш цехигами ёки вагонгами узатиш керак бўлса, битта тугма (кнопка) босилади, тамом, вассалом.

— Яна қандай янгиликлар бор? — сўрайман ундан.

— Янгилик... кўп, — дейди Эшбой ака Амирқулов олиб келган бир лаган зардолини ерга қўяётиб. — Гуруч оқлаш цехини қурдик. Мана, тегирмоннинг иморати ҳам тайёр. Эллик сотих лимонзоримиз бор. Чорвачилик фермамизда 400 бошдан кўпроқ қорамол парваришланаяпти. Дарахтларимизни айтинг: беш минг туп. Қирқ саккиз турдаги мевали дарахт ўстирганмиз.

— Буни нимага «Балхи зардоли», дейишади? — деб сўрайман лаганга қўл узатиб.

—«Шоколад» деган сўзнинг ўзбекчаси нима? —деб жавоб ўрнига савол берди Қурбон ака.

Мен елка қисдим.

— Шоколад — балхи дегани. Шоколадное хурмо, шоколадное шафтоли... гап бўлдими шуям? Балхи хурмо. Балхи зардоли... Мана, сизга ўзбекча гап! Балхи деган шаҳар бор. Балхин исмли қизларимиз бор. Беҳуда эмас-да...

Зардоли ҳақида, мева-чевалар ҳақида Қурбон ака — кечаси ухламаганидан чарчаб турган одам — ярим соатча гапирди. Айтдики, ўрикни хорижда юракка шифо деб, ҳар донасини чиройли қоғозларга ўраб дорихоналарда сотишади. Уни ғўра ҳолида истеъмол қилинса — қанд касаллигига даво. Мағзи ичакни тозалайди. Балхи ўрикнинг шифобахшлиги бўлса икки баравар зиёда. Балхи ўрик ҳам юракка, ҳам жигарга малҳам. Жигари қурий бошлаган — цирроз бўлган одам балхи ўрикдан бир ой тўйиб есин. Соғайиб кетмаса, менга келаверасиз...

* * *

— «Янгиобод», Собир Сатторов номли хўжаликларга бораман. Хирмонларида қанча ғалла бор — билиб келишим керак, — деди Қурбон ака.

Мен унга ҳамроҳ бўлдим.

Машинани ўзи ҳайдаётганини кўриб, «Шофёрингиз қани?» деб сўрадим.

— Хирмонда. Дон юклаяпти. Тракторда, — деди у енгил эснаб олиб. — Бировнинг бекор ўтирганини кўрсам, ғашим келади. Ҳамма ишласин, дейман. Мана, Турсунов Неъмат — муовиним. Ҳа-ҳа, директор муовини. У ўн тонналик тележка билан ғалла ташияпти. Гуруч омбори мудири Шодмонбой ҳам ғалла ортаяпти. Лозим бўлса, улар эртага комбайн билан ғалла ўради. Ер ҳайдайди. Чорванинг оғилини тозалайди. Ишлашяпти. Мен учун эмас, ўзлари учун ишлашяпти. Ҳузури ҳам ўзлариники. Нимаси ёмон бунинг?!

«Янгиобод» хўжалигида бизни миқти гавдали, сочини калта қилиб олдирган, юзлари офтобда қорайган йигит кутиб олди. Исми Абдимурод экан. Одамлар бўлса уни нима учундир «трест» деб аташаркан.

Қурбон ака ҳар бир уюмнинг олдига бориб, ғаллани кўздан кечирди.

— Жамғарганинг минг тонна чиқадими? — деб сўради Абдимуроддан.

— Бир ярим минг тонна чиқади, бобо, — деди Абдимурод.

— Буғдойга нима учун тошни қўшиб супуртирдинг? — Қурбон ака ғаллага аралашиб қолган бири мунчоқдай, яна бири пиёздай келадиган тошларни қўлига олди.

— Бобо...

— Йиғиштир бобо-момонгни, бола! Ғаллага тош қўшгунча, оёғидан осиб ташла бобонгни! Бобо, эмиш-а. Ғаллага қўшган тошларинг 500 кило чиқадими? Тўғрисини айт, чиқадими?

— Бобо...

— Тош қўшгунча, «Шу беш юз килони бизга қўшиб ёзиб беринг», деб айттин эди. Берар эдим. Шу буғдойни мен уйнинг пойдеворига бетон қуйиш учун ишлатмайман-ку?

Абдимурод машинага қадар «бобо»лаб келди. «Бобо»сининг бўлса барибир қовоғи очилмади.

Собир Сатторов номли хўжаликнинг хирмонига бориб, Абдимуродга ўхшаган яна бир йигитнинг тирсагидан ушлаб олди.

— Рустамжон-ов! — деди ҳалиги йигитга. — Хирмонингда чумчуқ қўнадиган соя йўқ. Теракнинг тўрттагина чўпини қадаб қўйсанг бўлмасмиди? Манави тупроққа бульдозер солиб, текислатсанг, беда-меда экиб қўйсанг, қариб қолармидинг? Ҳали ҳам бўлса — қил шуни. «Э, омбор мудирлигини менга боғлаб қўйибдими?» — деб ўйламагин. Омонатман, деб хаёл қилмагин. Дунёга келибманми, минг йил яшайман, деб чоғла ўзингни. Умидинг қувватли бўлсин. Умидларинг шу тупроққа томир отиб кетсин. Қиласанми, шу ишни?

— Бажарамиз!

— Пионерча «Доим тайёр»ингни йиғиштир. Бажармайман дегин, келаман-да, икки кунда ўзим обод қилиб кетаман.

Вақт тушга яқинлашиб қолган эди. У корхонага қайтиб, боғдаги меҳмонхонада озроқ дам олмоқчи эди. Бўлмади. Бир йигит уни кутиб турган экан.

— Раис бува, мен ишламоқчиман, — деди.

— Ишлайвер, ким ушлаб ўтирибди қўлингни? — деди Қурбон ака тундроқ жавоб қилиб.

— Мен сиз билан... Мени ишга олсангиз. Бульдозерчиликка қоғозим бор. Икки йил тракторда ишлаганман.

Амирқулов шу заҳотиёқ йигитни саволга тута кетди: ота-онанг ким, уйланганмисан? Аввал қаерда ишлагансан? Иш жойингдан нимага бўшадинг? Кафтингда носнинг юқи бор. Чекасанми, ичасанмиям?

— Йўқ, бобо. Ишлагани келдим. Ишлайман. Кўринг. Ишлай олмасам, кейин ҳайдаб юборасиз, — йигит Амирқуловга тик қаради. Кўзлари чақнаб қаради.

— Ў, зўрсан-ку! — деди Амирқулов йигитнинг қўлини олиб. — Тилинг ботир экан. Қўлингни ҳам кўрамиз. Ботирлик яхши нарса, болам. Ботир одам алдамайди. Хиёнат қилмайди. Эртага ишга кел.

Амирқулов чиройи очилгандай бўлиб ичкарига кирди.

* * *

— Бошда табиатим тахирроқ, дегандингиз...

— Одамнинг табиатини унинг қайси аъзоси кўпроқ белгилайди?— деб одати бўйича яна жавоб ўрнига савол берди Қурбон ака.

— Кўзи, тили...

— Кўзимда тахирлик йўқ. Кўзимда шира бордай. Шира қуюқлашиб бораётгандай. «Плюс уч» кўзойнак тақишим — шундан. Кўплар бошқачароқ тушунади. «Амирқулов унчамунча одамни кўзойнак тақиб ҳам кўрмайдиган бўлиб қолган, кўзини шира тутган», дейишади. Бу — ёлғон гап. Яқинда нақ ўн бир кун оч юрдим. Фақат сув ичдим. Соатлаб йог машқларини бажардим. Шу, кўзимнинг шираси кўпайиб кетмасин, деб-да...

Лекин шира деган нарса кўзда бўлгандан кўра, тилда бўлгани яхши экан. Масалан...

Шу пайт дарвоза томонда (биз корхона ҳовлисида гурунг қилаётган эдик) иккаламизга ҳам таниш бўлган, қўлтиғида ҳамиша каттакон папка кўтариб юрадиган мухбир кўриниш берди.

— «Иссиқ нон» корхонаси қураётган экансиз. Шуни ёзгани келдим, — деди у.

«Иссиқ нон» корхонасига бордик. Темир йўлнинг «Шеробод» бекатига яқин жойда, катта йўлнинг устида экан. Бир иморатки, қараган одамнинг оғзи очилиб қолади. Цехга нон пишириш жиҳозлари ўрнатилаяпти. Нон сотиш растаси эртаклардагидай безатилган. Дўконнинг пештахтаси учун ғиштдан терилган деворга ишлатилган қоришмани ушлаб кўраман. Темирдан ҳам мустаҳкам.

Қурбон ака ногоҳ мухбирнинг билагидан ушлади.

— Отанг тирикми? — деб сўради.

— Тирик, худога шукур...

— Уни шу томонларга олиб кел. Манови дераза ромларини кўрсат, — деб иморатга ўрнатилган баланд, ҳашаматли ромларга ишора қилди. — Отангдан «Шундай ромларни кўрганмисиз»? деб сўра... Албаттаки, у кўрмаганман, дейди. Ана шунда айтасан, бу иморатни Амирқулов қурган, дейсан. Бу ромларни Амирқулов олиб келтирган дейсан.

— Бултур бори-йўғи олти минг тонна гуруч оқлаган бўлсангиз, бу қурилишга пулни қаердан топяпсиз?

— Молимни сотяпман. Айтувдим-ку, 400 бошдан зиёд қорамолимиз бор, деб. Тежаган пулларимни ишлатяпман.

* * *

Амирқуловдан сўрадим:

— Ўн килоча гуручни ўғирлагани учун укангизни ишдан ҳайдаб юборганингиз ростми?

— Ишдан ҳайдаганим — чепуха. Уни қўрғонимиздан ҳам кўчириб юборганман, — деди у лаблари пирпирагандай бўлиб.

— Тарбияласа бўлмасмиди? Минг қилса ҳам жигар...

— Битта ўғрини авф қилиш минг одамнинг тарбиясини бузади. Одамзотни қайта йўлга солиш мевали дарахтни бошқа жойга кўчириб ўтказишдан ҳам машаққатли иш.

Яна бир нарсани айтай: ҳаммадан ҳам кўра, мен ўзим билан ишлайдиган одамларни яхши кўраман. Биронтасининг бетоблигини эшитсам, ўзим касал бўлиб қоламан. Дори-дармонларни топиб бериб, шифохоналарга жойлаштираман.

Ўзимнинг ишчиларим қабулхонамга навбатсиз киришади. Ишлари борми, гаплари борми, қаерда учратиб қолмайин, айт, дейман. Ёлғон гапирмайман. Ҳаммасидан ёлғон ёмон. Одамзот ҳамиша ёлғоннинг юзига иккиланмасдан тупуриб келган...

Ўзингиз суйган ишчиларингиз кимлар, десангиз, мен Шойдул Холиқов, Ўрол Сариев, Ғаппор Эшпўлатов, Адҳам Отахоновларни айтаман. Улар билан орамизда кўп гаплар ўтган. Тортишганмиз. Жанжаллашганмиз. Мени қўполга, тили заҳарга, очкўзга чиқаришган. Мен гўр ҳам индамай турмаганман. Уларни ишдан ҳайдаб юборганман.

Бир-биримизни кейин тушундик. Улар қаерда ишлаяпти, нима иш қиляпти— зимдан суриштириб юрдим. Билсамки, корхонамизга қайтиб келишмоқчи экан. Бир куни, шундай қарасам, тўрттови ҳам идорамда ўтирибди. Қучоқ очиб кўришдим. Ҳол-аҳвол сўрадим. Яна бирга ишлайдиган бўлдик. Мен учун ўша кун энг бахтли кун эди. Одамлар ўрталаридаги ёлғоннинг кўтарилиб кетганини ўз кўзлари билан кўрганларида, биласизми, қандай яхши бўларди...

— Эл орасида «Амирқулов бутун Музрабод туманини газлаштирди» деган гаплар юради...

— Амирқуловингиз — битта одам, — деб гапира кетди у. — Одамлар Мустақиллик деган иноятдан миннатдор бўлишсин. Ҳукуматимизнинг қишлоқлар аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш сиёсатини олқашсин. Тўрт-беш йилда Музрободдек даштда жойлашган туманда 420 километр узунликда газ қувури, 280 километрлик сув қувури тортилди.

— Барибир, бу ишларда ҳиссангиз бўлган-ку...

— Бўлгани шу: арзончилик пайтида корхонамга уч вагон қувур сотиб олган эдим. «Топган гул, топмаган бир боғ пиёз» деганларидек, хўжаликларнинг раисларига шу қувурни олинглар, нархини тенг ярмига арзонлаштириб бераман, дедим.

Иш юришиб кетди. Лойиҳачилар, монтажчилар ва раисларнинг ишларига кўз-қулоқ бўлиб турдим.

Бурчим эди-да...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Шарҳ

# ЛУКАШЕНКОГА ТЎРТ ТОМОН ҚИБЛА,

## дунёнинг мартабали давлатларидан ташқари

***Ҳар жойнинг ўз тош-тарозуси, ҳар қандай ўйиннинг муайян тартиб-қоидалари мавжуд. Бу эса ўз навбатида, кишидан ҳар ерда ва ҳар қандай жабҳада мувозанат сақлай билишни, рисоладагидек ҳаракат қилишни талаб этади.***

Агарда, киши давлат раҳбари-ю, халқ раҳнамоси бўлса, устига-устак, хорижий мамлакатларнинг нозиктаъб ва олиймақом арбоблари — элчилар билан юзлашаётган эса, унинг масъулияти юз чандон ошса-ошадики, аммо бир мисқол ҳам камаймайди. Айтишади-ку, ўйинашмагин арбоб билан, деб.

Бир қарашда жуда оддию, жайдари, аслида эса илдизи сувга етган ана шу теран мантиққа ўз вақтида амал қилмагани бугунги кунда Белоруссия Президенти Александр Лукашенкога ва нафақат унинг ёлғиз ўзига, балки у бошқараётган давлатга, республика ҳукумати ва халқига қимматга тушмоқда.

Гап шундаки, мамлакат пойтахтидаги «Дрозди» қароргоҳидан хорижий дипломатларни мажбурий кўчириш билан боғлиқ можарога жаҳон жамоатчилиги аввалбошда шунчаки арзимаган бир тушунмовчилик сифатида қараган эди. Кейинчалик яра газак олди — вазият янада қалтислашди. Эндиликда халқаро оммавий ахборот воситалари ушбу низони «А. Лукашенко ўз фаолияти давомида ташқи сиёсат жабҳасида йўл қўйган ўта жиддий мағлубият» сифатида баҳолаётир. Энг ёмон томони, албатта, Белоруссияни ташқи дунёдан ихоталаб, яккалаб қўйилаётганлиги бўлди.

Бу йўлда Европа Иттифоқи биринчи бўлиб дастлабки қадамни ташлади. Мазкур ташкилотга аъзо ўн бешта давлат томонидан бу мамлакатлар ҳудудига кириши тақиқланадиган белоруссиялик расмий шахсларнинг узундан-узоқ рўйхати эълон қилинди. Шубҳасизки, рўйхат бошида Лукашенконинг фамилияси «саркор»лик қилиб турибди.

Европа Иттифоқи, унга аъзо мамлакатлар изидан бориб яна ўнта давлат — Европа иттифоқ аъзолигига яқин номзодлардан Чехия, Венгрия, Словения, Кипр, Эстония, шунингдек, Болгария, Руминия, Словакия, Норвегия ва Исландия Белоруссияга нисбатан худди шундай чорани қўллашга аҳд қилдилар.

Европа Иттифоқига қўшилишга интилаётган давлатлар ичида фақатгина Польша мазкур масалага ўзининг ўзгачароқ муносабатини изҳор этди. Шу билан бир қаторда бу мамлакат ташқи ишлар вазирлиги Польша томони «Европа Иттифоқи қўллаган чораларни тушунишини ва уларни жўяли деб ҳисоблашини» алоҳида уқтирди.

Польшанинг ўз иттифоқдошлари азму-қарорига қўшилмаганини, тўғрироғи, қўшила олмаганини иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин. Аввало, ҳозирда ушбу давлат ЕХҲТ — Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига раислик қилмоқдаки, бу ҳол унинг Минск билан мулоқотларни давом эттиришини тақозо қилади. Қолаверса, Варшава Белоруссияда истиқомат қилиб турган бир неча юз минг нафар этник полякларнинг манфаатларини ҳам назарда тутмаслиги мумкин эмас.

«Элчилар билан боғлиқ танглик» вазиятида Лукашенкога нисбатан дастлабки кунларданоқ қатъият билан муносабатда бўлиб келаётган Вашингтон ҳам ўзининг кескин аҳдини узоқ куттириб ўтирмади. Давлат Департаменти расмий вакили Жеймс Рубиннинг баёнот беришича, Қўшма Штатлар яқин кунлар ичида Белоруссиянинг мансабдор шахсларини, шу жумладан, Президент ва унинг оила аъзоларини мамлакатга киритмаслик тўғрисида қарор чиқаришни мўлжалламоқда.

Шу ўринда, кимлардир «тупурган» дипломатияга, маданий муросаю-мадорага америкаликларнинг, жоиз бўлса, улар тимсолида тамаддуний дунёнинг ҳурмат-эътибори нечоғлик юксак эканлигига қойил қолиш керак. Демоқчимизки, Белоруссия раҳбарияти учун АҚШ дарвозаларини тақа-тақ бекитиб қўядиган ушбу чора БМТ қароргоҳи жойлашган Нью-Йорк шаҳрига нисбатан амал қилмайди. Яъни, мабодо Лукашенко ана шу нуфузли ташкилот Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзга чиқмоқчи экан, унга мамлакат ичкарисига кириш учун ижозат беришни АҚШ ўз зиммасидан соқит қилмаслиги назарда тутилган. Аммо бу ҳолда ҳам на Белоруссия Президентининг ва на унга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг Нью-Йорк шаҳри ҳудудидан бирон қадам ташқарига чиқиши ман этилади.

Хулоса қилиб айтганда, келгусида Лукашенко ташқи сиёсат жабҳасида жавлон урадиган майдон кўлами у илгари ҳам иштиёқ билан келиб-кетадиган айрим тор доирадаги минтақалар билангина чекланиб қоладиганга ўхшайди.

Одобни беодобдан ўрган, дейдилар. Наҳотки, ўз вақтида ҳаттоки БМТ минбарини ҳам пойафзали билан тақиллатган собиқ империя раҳбарларининг сабоғи «шўро тарбияси»ни олган айрим сиёсатдонларга ҳали-ҳануз етарли бўлмаса?..

**Ғулом МИРЗО,**
**халқаро шарҳловчи.**

---

# ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚИСҚАРДИ

Қозоғистон Миллий статистика агентлигида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот конференциясида ана шу ҳақда сўз юритилди. Мазкур агентликнинг раиси Жақсибек Кулекеевнинг айтишича, кейинги 6 ой мобайнида республикада нефть олиш ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 5,8 фоизга, қора ва рангли металл қазиб олиш 13,7 ва 19,8 фоизга камайган. Шу боисдан, деди Жақсибек Кулекеев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўз мамлакати ҳозирги жаҳон бозори шароитида танг аҳволда қолиши мумкинлигини назарда тутиб, ҳукуматга уни бўҳрондан чиқариш дастурини зудлик билан ишлаб чиқишни, бу дастур август ойининг бошидаёқ тайёрланиши зарурлигини топширди.

Узоқ хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқда кўриладиган зарарни республика МДҲ давлатлари доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш эвазига қоплашни режалаштираяпти. Бу йўналишдаги илк қадам июль ойининг бошларидаёқ қўйилди. Бундан чамаси уч ҳафта аввал Қозоғистон Ҳамдўстлик давлатлари билан савдо операцияларида қўшимча даромаддан иккиёқлама солиқ ундиришни бир ёқлама тартибда тўхтатди.

**(ИТАР-ТАСС)**

---

## Барака

***— Пешонани терлатиб топилган ноннинг мазаси бошқача бўлади, — дея кафтидаги қирмизи сара дондан кўзларини узолмай сўзлайди Тўланбой ака. — Мен ўз томорқамда, кейинчалик фермер хўжалигимизда парваришлаб кўпайтирилган буғдой навини «Жаҳонгир -96» деб номладим.***

# БИР БОШОҚ ДОН

**Умрининг қайноқ дамлари далада ўтган, пахта ва бошоқли дон етиштиришда «кўзи пишган» Тўланбой ака Каримов Булоқбоши туманидаги «Нишонбой ота» фермер хўжалигини бошқаради. У бошлиқ жамоа буғдойдан мўл ҳосил олиб, ҳамқишлоқлари ҳурматини қозонди.**

**— Ўғлим Жаҳонгир бир куни буғдой бошоғини қўлимга тутқазиб, қаранг дада, биттагина бошоқда 180 та дон бор экан, деди. Ишонқирамадим. Кейин мен ҳам санаб чиқдим. Шунча йил деҳқончилик қилиб бунақа баракали, дони сара, қаттиқ буғдой навини учратмаган эдим. Бошоқни яхши ният билан асраб қўйдим ва келаси йили уни ҳовлимизга сочиб парваришладим. Ўша мавсум 4 сотихга етадиган уруғлик олдим. Бу йил эса 2,5 гектарга «Жаҳонгир -96» ни сочдим. Ҳисоб-китобимга кўра, навдан 120 центнергача ҳосил олиш мумкин экан.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Қонун лойиҳаси муҳокамада

# БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

***Бозор иқтисодиёти шароити корхона, ташкилот, хўжаликлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тенглик асосида шартномавий муносабатлар ўрнатиб иш юритишни тақозо этмоқда. Ҳаётимизда шартнома муносабтларининг роли, унинг ўрни янада яққолроқ сезилмоқда. Бир сўз билан айтганда, шартнома муносабатлари кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётир. Буни давр тақозо этаяпти. Шу боис, ана шундай тенглик асосидаги муносабатлар, ўзаро алоқалар қонун йўли билан мустаҳкамланаётгани айни муддао бўлмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилгани ҳам бунинг бир далилидир. Айни пайтда ушбу қонун лойиҳаси хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.***

***Ж. СОБИТОВ — очиқ турдаги «Намангандонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси бошқаруви раиси:***

— Ҳозирги кунда уюшмамиз таркибида 12 та мустақил хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 11 таси мулкчиликнинг ҳиссадорлик, биттаси эса жамоа шаклида ишлашмоқда. Уюшмамиз ва унинг таркибидаги жамоаларининг асосий вазифаларитегирмон-ёрма, омухта-ем ва нон корхоналарининг иш самарадорлигини ошириш, давлат ресурсларига дон харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган ун, нон, нон-булочка, макарон-қандолат ва бошқа турдаги маҳсулотларни аҳолига ҳамда бошқа истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Фикримизча, Қонун лойиҳаси ҳар томонлама чуқур ва мукаммал ишлаб чиқилган. Лойиҳада хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларнинг мулкий жавобгарликлари, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқарув органларининг ваколатлари, шартномавий муносабатларининг ҳуқуқий таъминланиши ва назорат қилиш масалаларига чуқур эътибор берилган.

Лекин шундай бўлса-да, лойиҳанинг 27-моддасида «Товарларни тўлиқ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида ундирма тўлайди, лекин ундирманинг умумий суммаси товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак», деб қатъий белгилаб қўйилган.

Бизнинг таклифимиз корхоналар ҳозирда қийин молиявий шароитда фаолият кўрсатаётганликларини инобатга олиб, ундирманинг умумий суммаси товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим, деб ўзгартирилса маъқул бўлган бўлар эди.

Қонун лойиҳасида томонларнинг мулкий жавобгарлик масалаларига кенг ўрин берилган. Шундай бўлса-да, Қонун лойиҳасининг V боби «Хўжалик шартномаларини бажармаганлик учун жавобгарлик» бўлимига битта қўшимча модда киритиб, унда шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик табиий офатлар — дўл, жала, сел келиши, сув тошиши, ер ва бошқа фавқулодда вазиятлар натижасида келиб чиққан бўлса, у ҳолда айбдор томон мулкий жавобгарликдан озод қилинишлиги ва бу ҳолатлар ҳукумат, давлат бошқарув идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тартибга солиниши кўрсатиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

***У. УСТАБОЕВ — «Наманганконсерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари:***

— Қонун лойиҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ва томонлар ўртасида шартномалар тузишда пайдо бўладиган барча муаммолар қамраб олинган. Масалан, ушбу лойиҳанинг II боб, 11-моддасида «Маҳсулот етказиб бериш ва контрактация шартномасини тузишда тарафлар мажбуриятларини бажариш муддатларини, жавобгарликни, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, низоларни ҳал этиш ва шартларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 437-467 моддаларининг қоидаларидан, бошқа қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши лозим», деб жуда тўғри таъкидланган. Шунингдек, V боб 28-моддада етказиб берилган товарлар, ишлар ёки кўрсатилган хизматларнинг стандарти, техник шартлари, намунаси бўйича қонун ҳужжатларидан белгиланган сифатига мос келмаган тақдирда томонларнинг жавобгарлиги акс эттирилган. Бу билан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган товарлар сифат жиҳатидан юқори бўлишини ҳамда жаҳон андозаларига жавоб беришлигини таъминлайди. Чунки сифатли хомашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Лекин шундай бўлса-да, баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

15-модда 1-хат бошига «Хўжалик шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради», жумласидан кейин «...агар шартнома кучга кириши тўғрисида бошқа тартиб келишилмаган бўлса» деб ҳамда ушбу бандни ва «тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади» деган ёзув билан тугатиш керак.

16-модданинг сўнгги сўз бошидаги «ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш» жумласидан кейинги «талабни судга тақдим этиш мумкин» деган сўзлар ўрнига шартномалар тузиш ва уларни ўз вақтида кучга кириши ҳамда томонларнинг шартнома тузишидаги маъсулиятини ошириш мақсадида «талабни қабул қилинган деб ҳисоблаш мумкин», деб ўзгартириш киритиш лозим.

21-модданинг 1-хат бошидаги «ёки даъвога белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек, хўжалик шартномалари юзасидан даъво билдирмай ҳам» деган жумласини «даъво аризаси тақдим этиши мумкин» деб якунлаш маъқул.

Алоҳида бандда «Даъво аризасига белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда даъво аризаси тан олинган деб ҳисобланади» деган жумла ёзилиши керак деб ўйлайман.

23-модда бўйича эса:

Иккинчи хат бошидаги «...хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки» жумласини «унинг таклифи билан» сўзлари қўшилиб, «жалб этилган адвокатлар томонидан ҳуқуқий экспертизадан албатта ўтказилгандан кейингина тузилади», деб якунлаш зарурдир.

***А. МУҲИТДИНОВ — Наманган вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи:***

— Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларини ҳуқуқий кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг халқ муҳокамасига қўйилиши айни муддао бўлди.

Вилоятимизнинг барча хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ана шу лойиҳанинг қизғин муҳокамаси давом этмоқда. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қонуний томондан таъминлаш томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида жуда кўплаб таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Шунинг учун биз ҳам ушбу қонун лойиҳасига ўзимизнинг таклиф, фикр ва мулоҳазаларимизни баён этаяпмиз.

Мазкур Қонуннинг 1 бўлим 8-моддаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатларидаги ваколатларига бағишланган. Шу моддага 3-хат боши қилиб қуйидаги қўшимчани, яъни, «Маҳаллий Давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро шартнома муносабатларига аралашувига шартномаларни тузишда мажбурлов чораларини қўллашга йўл қўйилмайди», деган жумлани қўшиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шартнома муносабатларини ўрганиш шуни тақозо қилмоқдаки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномаларни тузишда уларнинг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олмасдан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзлари кўзлаган режа ва миқдорларни ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Айрим жойларда маъмурий буйруқбозлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Биз мана шундай салбий ҳолатларни батамом йўқотиш учун ҳам юқоридаги қўшимчани Қонун лойиҳасининг 8-моддасига киритишни лозим деб топдик.

Шунингдек, Қонун лойиҳасининг 9-моддаси 2-хат бошининг давомида «хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий асосларда доимий фойдаланишда бўлган хўжалик шартномаларининг намунавий шаклини қонунга мувофиқлаштириб, руйхатдан ўтказиб беради» деган қўшимчани киритишни таклиф қиламиз.

Бу билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг қонунийлиги мустаҳкамланади. Шартномалар амалдаги қонунчилигимизга зид ҳолларда тузилишига чек қўйилади. Томонларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари бузилишининг олди олинади.

Қонун лойиҳасининг V бўлим 36-моддаси, томонларнинг бир-бирига неустойка (жарима, ундирма) тўлаганлигидан қатъи назар, хўжалик шартномасини бузган тараф иккинчи тарафга жарима, ундирма билан қопланмаган зарар камини тўлашни кўзда тутган. Бироқ тайёрловчи маҳсулот етказиб берувчига аванс пулини муддатида ўтказиб бермаганлиги учун тўлайдиган жаримаси ва унинг миқдори кўрсатилмаган. Шунинг учун бу моддага 4-банд қилиб, қуйидаги қўшимчани киритиш керак: «Тайёрловчи маҳсулот етказиб берувчига белгиланган муддатда пулини ўтказмаганлик учун ўтказилиши керак бўлган аванс пулининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди».

Тайёрловчи маҳсулот етказиб берувчи билан тузган шартномасида етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан аванс пулини ўтказиши кўзда тутилган, лекин шу суммани ўз вақтида маҳсулот етказиб берувчига ўтказмайди, натижада маҳсулот етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш учун техника воситаларини ишлатишга, минерал ўғитлар олишига имконияти бўлмайди, бу эса ўз-ўзидан маҳсулот миқдори камайишига ва сифатлилигига салбий таъсир кўрсатади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**А.МАДАТОВ уюштирди.**

# ЙИГИТ БОСИҚ, АЁЛ ОҚИЛА БЎЛСА...

1998 йил — Оила йили



**Янгиер шаҳар судининг раиси Зариф Давронов ҳикоясидан:** «Ўтган йили 3 ёшли ўғилчалари бўлган ёш эр-хотин ўртасидаги никоҳни бекор қилишга тўғри келди. Иккаласи ҳам зиёли кишилар эди. Бир неча бор ўтказилган суҳбатлар, тушунтиришлар ва тайинланган ярим йиллик муомала муддати уларнинг бошини қайта қовуштирмади. Суд мажлиси тугаб, онаси қўлида қолган бола дадасининг бағрига талпиниб шунақаям йиғладики... «боланинг чинқириб йиғлаганию дадасининг бўйнидан маҳкам ачомлаб, уни сира қўйиб юбормагани куни кечагидек кўз ўнгимда турибди...»

**— Зариф ака, сизнингча ёш-ёш оилалар уч йил, икки йил, баъзан эса бир йил ўтмай ажрашиб кетишади. Бунинг туб сабаблари нимада?**

— Ўнлаб сабаблари бор. Масалан, аксарият ёшлар турмуш қурмасдан аввал бир-бирларини яхши билишмайди. Турмуш қуриш деганда улар кўпинча тўй базмини, ўйин-кулгуни, машиналарда сайр қилишни, оҳори тўкилмаган кийимлар кийишни, ҳамманинг кўз ўнгида бўлишни тасаввур қилишади. Буни улар бахт деб ўйлашади. Аммо шоира Зулфия айтганидек, одам боласининг умри фақат тўйларда ўтмайди. Оила фақат ўйин-кулгулардан иборат эмас. Турмушнинг қанчадан-қанча муаммолари, чигалликлари, кутилмаган тасодифлари бор.

**— Турмуш қуришга чоғланган ёшларга аввалломбор оддий бир ота сифатида, қолаверса, суд раиси сифатида нималарни маслаҳат берган бўлардингиз?**

— Шошмасликни, етти ўлчаб бир кесишни. Улар камида бир-икки йил бир-бирларини обдон синаб кўришлари, юракларига қулоқ тутишлари керак. Ота-оналар ҳам ўз орзу-умидларининг тезроқ ушалиши учун ёшларнинг тўйини тезлатишга ошиқмасликлари керак. Ахир оилани жамият пойдеворига қиёс қилишади. Бу расмий ёки ҳавойи гап эмас. Қайси жамиятда оила мустаҳкам ва бахтли бўлса, ўша жамият биноси шунчалик мустаҳкам, шунчалик гўзал бўлади. Яна бир гап: ҳар бир ота-она ўз фарзандининг кўнглига қулоқ солишни, берган ва беражак ўгитининг оқил бўлишини ўйлаб кўрмоғи керак. Хорижий давлатларда оила қуришга чоғланган келин-куёвларнинг барча фазилат ва қусурлари, иқтисодий имкониятларию ночорликлари, ҳатто унинг соғлиги ҳам синчиклаб ўрганиб чиқилади. Қатъий қарорга томонлар ана шундан кейин келишади. Ўзбекистон Республикасининг янги «Оила» кодексида мен юқорида тилга олган нарсалар ўз аксини топганлиги барчамиз учун айни муддао бўлди.

Оила қуришдаги яхши тажрибаларни, анъаналарни ўргансак, ўзимизга қабул қилсак зарар қилмайди. Мол-мулк хусусида, болаларни тарбиялаш тўғрисида, бирга яшаганда ва ажралишганда қандай йўл тутиш тўғрисидаги шартномаларга қатъий амал қилсак, бундан фақат одамлар ютади, холос. Барчамиз яхши биламизки, Шарқда оила бузилиши азал-азалдан уятли ҳисобланган. Мана шу анъанани қайта тиклашимиз керак.

**— Оилани сақлаб қолишда судларнинг роли қандай бўлиши лозим?**

— Эр ёки хотиндан ажралиш ҳақида ариза келиб тушгач, улар судга чақирилиб, баъзан алоҳида, баъзан биргаликда суҳбат ўтказилади. Ҳаёт, болалар тарбияси, оиланинг муқаддаслиги борасида тушунтиришлар олиб борамиз. Фикрида қатъий туриб олганлар учун 6 ойгача мулоҳаза юритиш, бошқача қилиб айтганда, ярашиш муддати белгиланади. Мен ва ҳамкасбларим бизга ариза билан мурожаат қилувчиларга қўлимиздан келганча ҳуқуқий маслаҳатлар берамиз. Бунда ҳар биримиз ўз ҳаётий тажрибаларимиз, қарашларимиздан фойдаланамиз. Эр-хотинлар билан бўладиган бундай суҳбатлар самимий, ишонарли, беғараз руҳда ўтади. Ана шунда аксарият эр-хотинлар бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўймасликни ўйлаб қолишади. Баъзилар эса сўнгги расмий ариза беришдан воз кечишади. 1997-98 йилларда Янгиер шаҳар судига мурожаат қилганлардан 30 га яқин оила сақланиб қолинди. Аммо афсуслар бўлсинки, икки йил мобайнида 48 та оиланинг ўзаро никоҳи суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинди. Бу кўрсаткич, бир қараганда, 65 минг нафар аҳолиси бўлган шаҳар учун ваҳимали туюлмайди. Мен эса буни барибир кўп деб ўйлайман. Ахир қанчадан-қанча болалар тирик етим қолишди. Рашкнинг қулига айланган, ғурур отидан пастга тушишни истамаган кишилар бугун қилмишларидан афсусда юришибди. Аммо бўлар иш бўлиб, ғишт қолипдан кўчгач, бу одамларга ёрдам беришнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Хўш, бундан ким манфаат кўради? Ҳеч ким. Бирга яшашнинг асло иложи бўлмаган, ўзаро ҳурмати йўқолган эр-хотиннинг бирга туриши фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган оилаларни зўрлик билан, куч билан сақлаб қолишни тарғиб қилмоқчи эмасман. Уларни оғриқ тишларга, даволаш мумкин бўлмаган тишларга қиёс қилса бўлади. Аммо енгил қўйди-чиқдилар, тушунмовчиликлар, қайнона ва қайнота қош-қовоғига қараб ажралиб кетаётган эр-хотинларнинг ҳаракатларини ҳеч қачон оқламайман.

**— Кишилик жамиятида оила пайдо бўлибдики, уни сақлаб қолиш тўғрисида, мустаҳкамлиги борасида қайғурилади. Ўнлаб, юзлаб институтлар бу борада илмий ишлар олиб боради.**

— Қарс икки қўлдан, деган гап бор. Эр баланд келганда хотин мулойим тортса, аёл нимадандир жиғибийрон бўлганда йигит оғирлик қилса муаммолар, тушунмовчиликлар ортга чекинади. Эр-хотиннинг уруши-дока рўмолнинг қуриши, дея бежиз айтишмаган. Лекин ўша дока рўмолни ҳа деганда сувда тутиб туриш ақлли одамларнинг иши эмас. Ажрашишга қатъий жазм қилган, қонуний ва маънавий асосларни рўкач қилиб олган кишиларнинг талабини, эртами-кечми, судлар қондиришга мажбур бўлади. Лекин гап бунда эмас, масаланинг моҳияти — унинг илдизлари ниҳоятда чуқур. Тирик етим қолган болалар кўпинча безори бўлиб ўсишади. Улар оиладек муқаддас тушунчага беписанд бўлишади. Ота-онага, кишиларга, жамиятга эътиборсиз қарашади. Бундан давлат ва жамият озор чекмайдими? Арзимас қўйди-чиқдилар билан тақдир боғлаган ипларни узиб ташлаш мумкин. Бундан эр-хотинлар маълум вақтгача масрур ҳам юришади. «Ана, айтганимни қилдирдимми», дея баъзи қайнона-қайноталар ҳам атрофга кибр-ҳаво билан назар солиши мумкин. Вақт олий ҳакамдир. Оний лаҳзалик нафсоният баъзан олий ҳакам бўлмиш вақтнинг қаршисида ўз маъносини бирдан йўқотиб қўяди. Кўз ёшлар, аламлар, афсуслар даври бошланади. Алининг аламини Валидан олиш онлари етиб келади. Бошини очиб олган эр бошқа аёл, эрки қўлига теккан хотин эса яна бир ўзга жуфт топиши мумкин. Бироқ юракдаги кемтикликни — афсус-армонларни йўқотиб бўлармикин. Фарзандлар кўнглидаги дардларга малҳам топилармикин? Эл-юрт олдида тўкилган обрўни қайтадан тиклаш имкони бўлармикан? Кўрдингизми, қанчадан-қанча муаммолар қайнаб ётибди. Шундай экан, эр-эрлигини, аёл-аёллигини қила билиши керак.

**Суҳбатдош:**
**Сирдарё вилояти, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари**
**А. ЯХШИЛИҚОВ.**

# СЎЗ ҚАДРИ

## Тилимиз ташвишлари

Машҳур мунаққидларимиздан бири ўз ўрнида қўлланилмаган сўзни ям-яшил дарахтга қоқилган михга ўхшатган эди. Дарҳақиқат, ноўрин ишлатилган сўз, хоҳ у матбуотда, хоҳ оғзаки мулоқотда бўлсин, эриш туюлишидан ташқари, тилга эътиборсизлик ҳисобланади.

Дўрмондаги ошхонада тушлик қилаётган эдик. Кимдир гўшт сал ҳидланибди деб қолди.

— Хитойда гўштни атай саситиб ейишар экан! — деди шарқшунос ёзувчи Дадахон Нурий.

— Илгари чўпонлар гўжани ҳам шунақа ачитиб ейишарди, — дедим болалик чоғларимни эслаб.

Шу маҳал рўпарамда ўтирган Ваҳоб Рўзиматов ялт этиб қаради.

«Ейишарди» сўзи ноўрин айтилганини сездим-у, тилимни тишлаб қолдим. Гап келганда отасиниям аямайдиган Ваҳоб ака бу гал жуда чиройли киноя қилдилар:

— Тўғри, окоси, тўғри, гўжани ҳатто ичишган ҳам!

Ҳа, жуда кўп қаламкашларга устозлик қилган моҳир, зукко муҳаррир ҳатто оғзаки нутқдаги заррача ғализликни ҳам ҳазм қилолмасди.

Афсуски, ҳозир матбуотда ғализ жумлаларни, ноўрин қўлланилган сўзларни радио ва телекўрсатувлардан, газета, журналлардан истаганча топиш мумкин, гўё матбуотимизда тилга эътиборсизлик бўйича ўзаро «мусобақа» ўтказилаётгандек... Акс ҳолда «ҲОКИМЛИК» дейиш ўрнига «ҲОКИМИЯТ», «ТАҲРИРИЯТ» ўрнига «МУҲАРРИРИЯТ», «ЎҚИШЛИ» ўрнига «ЎҚИМИШЛИ» дейилишини қандай тушуниш мумкин? Ҳали-ҳамон жойларда «САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР» деган мантиқсиз ёзувга кўзимиз тушиб қолади. Ўтганлар ҳақида гап кетганда бандаликни бажо келтирганига узоқ йиллар бўлганига қарамай, гўё кечагина таъзия билдиргандек, «МАРҲУМ» деймиз. Ваҳоланки, тилимизда «РАҲМАТЛИ» деган пурмаъно сўзимиз бор-ку!

Сўз туйғусининг ўтмаслашгани, бошқа тиллар, хусусан рус тили орқали сўзма-сўз таржима (калка)нинг салбий таъсири-оқибати бўлса керак, сўнгги пайтларда матбуотда ҳам, расмий ҳужжат, ахборотларда ҳам «ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ», «ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА» каби иборалар бемалол ишлатилмоқда. Ушбу сўзларни озгина ўзгартириб, яъни «ЭЪТИБОР ҚИЛДИ», «ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА» тарзида айтиш мумкин эмасми?

Сўнгги пайтларда «САНЪАТ», «САНЪАТКОР» каби сўзларни ишлатишда ҳам бир ёқламалик, палапартишлик сезилмоқда. Гарчи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «САНЪАТКОР» сўзи «САНЪАТ соҳиби», санъатнинг бирор соҳасини эгаллаган ва шу иш билан шуғулланувчи киши «САНЪАТЧИ» дея юзакироқ тушунтирилган бўлса-да, аслида САНЪАТКОР дегани ўз соҳасида маҳоратнинг, мукаммалликнинг олий босқичига, юксак чўққисига эришган кишидир. Акс ҳолда ҳаммаёқни санъаткор босиб кетган бўлур эди.

Бизнинг бутун борлиғимизни, онгу шууримизни сеҳрлаб қўядиган умрбоқий асарга қойил қолиб, «Ҳа, бу асар САНЪАТ даражасига кўтарилибди» деймиз, унинг ижодкорини эса эъзозлаб, улуғлаб «САНЪАТКОР» атаймиз. Ўз ижодини САНЪАТ даражасига кўтариш эса ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Ваҳоланки ойнаи жаҳонга чиқиб, иккита қўшиқ айтиб қўйган ҲАВАСКОР тап тортмай, бемалол «Биз — САНЪАТКОРЛАР» деяверади, у билан суҳбатлашган журналист ҳам «Оғайни, шу сўзни сал чакки ишлатдингиз-да» демайди, чунки унинг ўзида ҳам СЎЗ ТУЙҒУСИ ҳали шаклланмаган.

Тўғри, табиатан андишали, хушфеъл, назокатли халқимиз тўй-маъракаларда, турли анжуман-издиҳомларда ўша ҳаваскорларга мурувват кўрсатиб, уларни САНЪАТКОРЛАР дейди. «Ана, САНЪАТКОРЛАР келди!», дея ҳурмат-иззат кўрсатади.

Матбуотда аҳён-аҳён мақолалари билан кўриниб қоладиган бир танишим бор. Исми шарифининг остига бемалол, тортинмай, катта ҳарфлар билан «САНЪАТКОР» деб ўз қўли билан ёзиб қўяверади ва мақоласи кўпинча шу унвон остида чоп этилади. Бир куни ўзаро суҳбатимизда унинг «САНЪАТКОР»лиги билан қизиқдим. Маълум бўлишича, у бир вақтлар машҳур қўшиқчининг ёнида доирасини дингиллатиб юрган экан...

Маълум бўлаяптики, тил маданияти умуммаданиятнинг, инсон ички олами ва маънавиятининг бир кўриниши экан.

Ахир севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳам «Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидур» дея бежиз лутф қилмаган.

Раҳматли Асқад Мухторнинг ибратли гапи бор эди: «Ёзувчиман» дейишга ийманаман, чунки, «ёзувчиман» дейиш «Мен яхши одамман» дейиш билан баробардир...»

Шундай экан, «САНЪАТ», «САНЪАТКОР» сўзларини ҳам дуч келган жойда билиб-билмай қўллайвермайлик, зеро, давр синовидан ўтган асарларгина юксак САНЪАТга дахлдордир. Ҳатто кўпчиликка маъқул тушган, оммавий асар ҳам САНЪАТ даражасига кўтарилолмаслиги мумкин.

Афсуски, санъат ва адабиётдаги дидсизлик, нашрчилик ишларидаги хўжасизлик, ночорлик, тилга муносабат масаласида ҳам сезилиб қолмоқда.

Агар маълумот, тушунча даражаси, савияси ўртача ёки ундан пастроқ одам билиб-билмай, тушуниб-тушунмай, сўзни нотўғри, ноўрин қўлласа, сўз қадрини билмаса, уни кечириш мумкиндир, аммо касбукори бир умр шу сўз билан, сўз санъати билан боғлиқ бўлган қалам аҳли ва зиёлилар сўзга, ўз она тилига лоқайд, эътиборсиз бўлса, бу билан муроса қилиш мумкин эмас.

Келинглар, тилимизнинг қадрини, мавқеи, нуфузини баланд тутайлик.

**Шодмон ОТАБЕК.**

## ФАРҒОНАНИНГ «ТАСВИРИЙ ОЙНАСИ»

«Тасвирий ойна» республика ижодий уюшмасининг Фарғона бўлими ташкил этилганига ҳали кўп бўлмади. Лекин ижодий жамоанинг плакат ва кўргазмалари, чиройли даъватномалари фарғоналиклар қалбидан жой олиб бораяпти. Айниқса, Фарғона дарвозасидан шаҳарнинг Ёрмозор мавзеигача бўлган шоҳ кўчадаги йирик паннолар реклама вазифасини ўтабгина қолмай, балки кўчалар ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшмоқда.

Айни кунларда шаҳардаги бир қатор ташкилот ва корхоналар «Тасвирий ойна» жамоаси билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Ижодий жамоа асосан реклама, кўргазмали агитация ишларини бажариш билан бирга мустақил юртимиз ташқи ва ички сиёсатини, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ва ёшлар келажагини намойиш этувчи йирик полотноларни тайёрлашга алоҳида эътибор бераяпти. Илгарилари турли хил эълонлар дуч келинган жойга илиниб кетилаверар эди. Энди жамоа бундай эълонларни махсус деворий ойналарга ёпиштириш тадоригини кўрмоқда. Шунингдек, газеталарнинг янги сонларини илиб қўядиган кўргазма тахталари ҳам қайтадан жонланаяпти.

«Тасвирий ойна»чилар айни кунларда буюк юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйи муносабати билан амалга оширилаётган ижодий иш устида машғул. Бу ишга шаҳарнинг энг етук мутахассислари сафарбар қилинган.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СПОРТ SPORT

## ЎЗБЕКНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН ДИЛШОД!



**Шу йилнинг 13 июлида Россия пойтахти Москвада бошланган бутун жаҳон биринчи ўсмирлар ўйинлари ниҳоясига етди. Унда ер шарининг турли минтақаларидаги 135 мамлакатдан ташриф буюрган 7 мингдан ортиқ ёш спортчилар, Ўзбекистондан ҳам 105 спортчи ғолиблик учун кураш олиб бордилар.**

Бир неча юз минглаб спорт ишқибозларининг кўз олдида вакилларимиз битта олтин, учта кумуш ва олтита бронза медалини қўлга киритишга мушарраф бўлдилар. Айниқса, эркин курашчимиз Дилшоджон Мансуровнинг эришган ютуғи томошабинларни лол қолдирди. У 42 кг вазндаги полвонлар орасида барча рақибларни мағлуб этиб, делегациямиз номига биринчи ва ягона олтин медални ёздириб қўйди. Шунингдек, Замшид Саидов, Хуршид Холдоров, Жаҳонгир Абдураҳмонов, Санжар Машрапов, Асамаз Жодиевлар ҳам мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, бир нечта медалларни олишга эришдилар.

Теннисчиларимиздан жуфтлик ўйинларда Луиза Бектикова билан Ирода Тўлагановалар фахрли учинчи ўринни эгалладилар ва ҳамюртларимизнинг бронза медаллари сонини яна биттага кўпайтиришди. Манзура Иноятова билан Саида Бурхонхўжаевалар стол теннисчилари мусобақасида фаол қатнашиб, учинчи ўринни эгаллашди. Ҳакамлар томонидан уларнинг маҳорати ҳам бронза медалига лойиқ деб топилди.

Бутун жаҳон биринчи ўсмирлар ўйинларининг қиличбозлик баҳсларида мамлакатимиз ўсмирлар терма командасининг ютуғи



диққатга сазовор бўлди. Қизларимиз умумкоманда ҳисобида 135 мамлакат спортчилари орасида 8-ўринни, рапирачи йигитларимиз эса 11-ўринни забт этдилар ва юртимизга катта шон-шуҳрат келтиришди.

Шарқ якка курашининг энг нозик ва жанговор тури ҳисобланадиган дзюдочилар мусобақасида Руслан Эргашев Ўзбекистонга навбатдаги кумуш медалини ҳадя этди.

Агарда ушбу мусобақаларнинг умумий ҳисоб-китобига назар ташлайдиган бўлсак, командалар ҳисобида Ўзбекистон делегацияси 13-ўринни эгаллади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида эса спортчиларимизга олтинчи ўрин насиб этди. Ўзбекистон ёш спортчиларининг бутун дунё ўсмирларининг биринчи



ўйинларида қўлга киритган яна бир ютуғи шундан иборат бўлдики, улар Арманистон, Гуржистон ва бельгиялик тенгдошлари билан бир сафда **«Аср авлоди сайёрада тинчлик ва хурсандчилик бўлиши учун»** жаҳон болалари битимини имзоладилар.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** ***мусобақалар пайти.***

**А. Рисқиев (ЎзА) олган суратлар.**

## ПОЛВОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚА

Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида Али полвон Мирзакаримов таваллуд топган куннинг 100 йиллигига бағишланган кураш мусобақаси ўтказилди. Али полвон 91 ёшида вафот этган эди.

Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистон чемпиони бўлган машҳур полвон туғилиб ўсган қишлоққа Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманлари, Фарғона водийсидаги қўшни вилоятлардан, шунингдек, Қирғизистоннинг жанубий вилоятларидан юзга яқин машҳур полвонлар келишди.

Олтинкўл туманидан Сарварбек Турғунов, Дилшодбек Исмоилов, Ҳамроқул Каримов, Хўжаобод туманидан Ихтиёр Эгамов, Наманган вилоятидан Абдулҳафиз Пирматов, Қўрғонтепа туманидан Қаҳрамон Турғунов, Шаҳрихон туманидан Шавкатбек Омонуллаев ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди. Олтинкўллик Ҳамроқул полвон Каримов эса, мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**


# ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТИЖОРАТ КОЛЛЕЖИ

**1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:**

*«Бухгалтерия ҳисоби, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» (9-синф ҳажмида)*
*«Товар ва хизмат бозорида тижорат фаолиятини ташкил этиш» (9-синф ҳажмида)*
*«Истеъмол бозорида маркетинг» (ўзбек ва рус гуруҳлари, 11-синф ҳажмида)*
*«Солиқ ва солиққа тортиш» (9-синф ҳажмида)*
*«Матлубот кооперациясида менежмент» (ўзбек ва рус гуруҳлари, 11- синф ҳажмида)*
*«Ҳуқуқшунослик» (9-синф ҳажмида)*

**СИРТҚИ БЎЛИМГА:**

*«Ҳуқуқшунослик»*
*«Бухгалтерия ҳисоби, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили»*

**Сиртқи бўлимга 11-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

*Директор номига ариза;*
*маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли);*
*086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;*
*3х4 ҳажмидаги олти дона сурат;*
*яшаш жойидан маълумотнома (9-синф ҳажмидагилар учун);*

**паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**Аризалар 9-синфни битирганлар учун 20 июндан 1 августгача, 11-синфни битирганлар учун 20 июндан 25 июлгача қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй (мўлжал: «Лимончилик» жамоа хўжалиги, Тошкент Давлат аграр университети ва Педиатрия институти ёнида), мурожаат учун тел: 63-74-48; 63-74-47; 63-74-44.**

818


«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси жамоаси «Мутарро» фирмаси раҳбари Баҳодир Аҳмедовга турмуш ўртоғи

**Хатира АҲМЕДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси раиси, академик Сойибжон Неъматовга акаси

**Ҳаким МУСАБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — А. Жўраев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.20* 1 2 3 4 5 6